| № т/р | Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари | Бажариш муддати |
|---|---|---|
| | **Ҳудудий иссиқлик таъминоти корхоналаридан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ишчи гуруҳига бириктирилган вакил томонидан танлаб олинган маҳаллалар кўчалардаги мавжуд иссиклик таъминоти кувурларининг бугунги ҳолати бўйича, маҳаллалар кесимида тўлик техник хатловдан ўтказиб, гурух раҳбарига маълумот киритадилар. | 5 кун |
| 2 | Хатлов натижалари асосида маҳаллалар ва танлаб олинган кўчалардаги иссиқлик таъминоти кувурларини тартибга келтириш бўйича таклифлар киритади, зарур ҳолларда кувурларни алмаштириш бўйича таклифлар киритади, бажарилаётган ишлар бўйича назорат қилиб, биргаликда ишларни ташкил этади ва зарурий чоралар белгилайди. | Доимий |
| 3 | Фойдаланишга қабул килинадиган кўчалардаги хар бир объект бўйича иссиклик таъминоти кувурларига уланишни амалга оширилганлигини текшириб, талаб даражасидалиги хамда фойдаланишга қабул килиш мумкинлиги тўғрисида гурух раҳбарига маълумот киритадилар. | Жорий йил 1 августгача |
| | **“Хоразмтелеком” АЖ филиали томонидан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ишчи гуруҳига бириктирилган вакил томонидан кўчалардаги алоқа тармоқларини бугунги ҳолат бўйича, кўчалар кесимида тўлиқ техник хатловдан ўтказиб, гурух раҳбарига маълумот киритадилар. | 5 кун |
| 2 | Хатлов натижалари асосида кўчалардаги мавжуд алоқа тармоқларини талаб даражасида таъмирлаш ва тартибга келтириш ишларини ташкиллаштиради, зарур ҳолларда уларни алмаштириш бўйича таклифлар киритади, қурилишларда алоқа тармоқларига уланиш, улардан фойдаланиш бўйича назорат қилиб, биргаликда ишларни ташкил этади ва зарурий чораларни белгилайди. | Доимий |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**
**ҲОКИМИ**
**ҚАРОРИ**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**XORAZM VILOYATI**
**HOKIMI**
**QARORI**

«07» май 2016 йил — Урганч ш.

№ 147к

**Шаҳар ва туманлардаги кўчаларни шаҳарсозлик норма ва қоидалари талаблари асосида лойиҳалаштириш, куриш-таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги (2016й.04.05. ЭДО-05/1-454-сон) 47-сон селектор йиғилиши баённинг III - бўлимини бажарилишини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги (2016 й.04.05. ЭДО-05/1-454-сон) 47-сон селектор йиғилиши баёни ижро учун қабул қилинсин.

2. Урганч шаҳар ва туманлар ички кўчаларини шаҳарсозлик норма ва қоидалари талабларига мувофиқ лойиҳалаштириш, қуриш - таъмирлаш ишларини ташкил этиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи 1-иловага, вилоятдан ҳудудларга бириктирилган вакиллар таркиби 2-иловага, ҳудудлардаги ишчи гуруҳининг намунавий таркиби 2а-иловага ва уларнинг вазифалари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вилоят ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

- шаҳар ва туманлардаги ички кўчаларни архитектура талаблари асосида лойиҳалаштириш, қуриш-таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича барча тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ижросини назорат килиш;
- мазкур тадбирларни бажаришда қолоқликка ва камчиликларга йўл қўйган ҳудудларни муҳокама қилиб, тегишли чоралар кўриш;
- ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилиб, умумлаштириш ва ҳар 15 кунда Республика ишчи гуруҳига ахборот киритиб бориш.

6.

| № т/р | Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари | Бажариш муддати |
|---|---|---|
| | талаб даражасида таъмирлаш, белгиланган рангда ранглаш ишларини ташкиллаштиради, зарур ҳолларда уларни алмаштириш бўйича таклифлар киритади, қурилишларда табиий газ қувурларига уланиш, улардан фойдаланиш бўйича назорат қилиб, биргаликда ишларни ташкил этади ва зарурий чораларни белгилайди. | |
| 3 | Фойдаланишга қабул қилинадиган кўчалардаги ҳар бир объект бўйича табиий газ қувурларига уланишни амалга оширилганлигини текшириб, талаб даражасидалиги ҳамда фойдаланишга қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида хулоса беради. | Жорий йил 1 августгача |
| | **Ҳудудий электр тармоқлари корхоналаридан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ишчи гуруҳига бириктирилган вакил томонлиан кўчалардаги электр тармоқларини бугунги ҳолати бўйича, кўчалар кесимида тўлиқ техник хатловдан ўтказиб, гуруҳ раҳбарига маълумот киритадилар. | 5 кун |
| 2 | Хатлов натижалари асосида кўчалардаги мавжуд электр тармоқларини ва тунги ёритиш чироқларини талаб даражасида таъмирлаш, белгиланган рангда ранглаш ишларини ташкиллаштиради, зарур ҳолларда уларни алмаштириш бўйича таклифлар киритади, қурилишларда электр тармоқларига уланиш жойларда электр ҳисоблагич мосламаларини ўрнатилганлиги, улардан фойдаланиш бўйича назорат қилиб, биргаликда ишларни ташкил этади ва зарурий чоралар кўради. | Доимий |
| 3 | Фойдаланишга қабул қилинадиган кўчалардаги ҳар бир объект бўйича электр тармоқлрига уланишни амалга оширилганлигини текшириб, талаб даражасидалиги ҳамда фойдаланишга қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида хулоса беради. | Жорий йил 1 августгача |
| | **Ҳудудий ободонлаштириш бошқармаларидан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ишчи гуруҳига бириктирилган вакил томонидан танлаб олинган маҳаллалар ҳудудларининг бугунги ҳолати бўйича, маҳаллалар кесимида тўлиқ хатловдан ўтказиб, гуруҳ раҳбарига маълумот киритадилар. | 5 кун |
| 2 | Хатлов натижалари асосида маҳаллалар ва танлаб олинган кўчалардаги аҳоли пунктлари, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонларни, кўп қаватли уйлар ён – атрофи ва ҳовлилари ҳудудини, ариқлар, кўча ва йўлакларни ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш бўйича таклифлар киритади, ободонлаштириш ишларини биргаликда ташкил этади ва зарурий чораларни белгилайди. | Доимий |
| 3 | Фойдаланишга қабул қилинадиган маҳалларни ҳар бир кўчаларда бажарилган ободонлаштириш ишларини текшириб, талаб даражасидалиги ҳамда фойдаланишга қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида гуруҳ раҳбарига маълумот киритадилар. | Жорий йил 1 августгача |

3. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари:

тасдиқланган намунавий ишчи гуруҳи таркиби асосида **3 кун муддатда** ҳудудий ишчи гуруҳларини тузиб, чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва ўз қарорлари билан тасдиқласинлар;

**бир хафта муддатда** шаҳарсозлик норма ва қоидалари талаблари асосида лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича Урганч шаҳридаги 7 та секторнинг ва туманларнинг ҳар бирида 25 та кўчани танлаб, рўйхатини вилоят ишчи гуруҳига тақдим этсинлар;

**жорий йилнинг 15 майигача** салоҳиятли лойиҳа ташкилотлари билан шаҳарсозлик норма ва қоидалари талаблари асосида лойиҳаларни ишлаб чиқсинлар ва ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик Кенгашида муҳокама қилсинлар;

танланган кўчаларда амалга оширилаётган ишлар бўйича **ҳар ойнинг 15 ва 30 санасида** республика Ишчи гуруҳига ахборот киритиб бориш учун асосли таҳлилий маълумотларни вилоят ишчи гуруҳига тақдим этиб борсинлар.

4. Мазкур қарор ижросини назорати вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Рўзметов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими** **П.Бобожонов**

| № т/р | Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари | Бажариш муддати |
|---|---|---|
| | ишларни амалга оширади ва янги кўчатларни ўтказишни амалга оширади ҳамда биргаликда ишларни ташкил этадилар. | |
| 2 | Танлаб олинган кўчалардаги турар жой бинолари олдида ҳар хил турдаги дарахтларни буташ янгиларини экиш, гулзорларни ташкил этиш ишларини жадаллаштиришни биргаликда ишлашни таъминлайди. | Доимий |
| | **Ҳудудий санитария-эпидемиология назорати инспекциясидан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ҳар бир ишчи гуруҳига бириктирилган вакил доимий таркибда ишлайди, танлаб олинган кўчалардаги обоонлаштириш ва қурилиш ишларида санитария талабларини амалга оширилишини назорат қилади ҳамда биргаликда ишларни ташкил этадилар. | Доимий |
| 2 | Кўчаларда олиб борилаётган қурилишларда санитария талаблари бўйича биргаликда ишлаб, зарурий чораларни белгилайди | Доимий |
| 3 | Фойдаланишга қабул қилинадиган кўчалардаги ҳа бир объект бўйича олиб борилган қурилишда санитария талаблари бўйича қурилганлигини текшириб, талаб даражасидалиги ҳамда фойдаланишга қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида хулоса беради | Жорий йил 1 августгача |
| | **“Туямуйин-Урганч” МСҚФБдан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ишчи гуруҳларига бириктирилган вакил томонидан кўчалардаги ичимлик ва оқава сув қувурларини бугунги ҳолати бўйича, кўчалар кесимида тўлиқ хатловдан ўтказиб, гуруҳ раҳбарига маълумот киритадилар. | **5 кун** |
| 2 | Хатлов натижалари асосида қувурларни техник ҳолатини аниқлаб, зарур ҳолларда уларни алмаштириш бўйича таклифлар киритади, қурилишларда ичимлик ва оқава сув қувурларига уланиш, улардан фойдаланиш бўйича назорат қилиб, биргаликда ишларни ташкил этади ва зарурий чораларни белгилайди | Доимий |
| 3 | Фойдаланишга қабул қилинадиган кўчалардаги ҳар бир объект бўйича ичимлик ва оқава сув қувурларига уланишни амалга оширилганлигини текшириб, талаб даражасидалиги ҳамда фойдаланишга қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида хулоса беради. | Жорий йил 1 августгача |
| | **Ҳудудий газ таъминот корхоналаридан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ишчи гуруҳига бириктирилган вакил томонидан кўчалардаги табиий газ қувурларини бугунги ҳолати бўйича кўчалар кесимида тўлиқ техник хатловдан ўтказиб, гуруҳ раҳбарига маълумот киритадилар. | 5 кун |
| 2 | Хатлов натижалари асосида кўчалардаги мавжуд газ қувурлари ва газ тақсимловчи мосламаларни | Доимий |

**Вилоят ҳокимининг**
**2016 йил “[illegible]“ майдаги**
**1473 -сон қарорига**
**1-илова**

**Урганч шаҳар ва туманларида 25 та кўчаларни шаҳарсозлик норма ва қоидалари талаблари асосида лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда таъмирлаш ишларини ташкил этиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи**
**ТАРКИБИ**

1. П.Р.Бобожонов - вилоят ҳокими, ишчи гуруҳ раҳбари
2. Р.Рўзметов - вилоят ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
3. Ш.Атажанов - вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи
4. Б.Курбанов - вилоят ДАҚН инспекцияси бошлиғи
5. Ж. Садуллаев - вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари
6. М.Мадиримов - вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошлиғи
7. М.Норметов - вилоят ДСЭНМ бош врачи
8. О.Ражапов - “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси
9. Р.Машарипов - “Хоразмавтойўл” ХЙФТ директори в.в.б

| № т/р | Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари | Бажариш муддати |
|---|---|---|
| 3 | Фойдаланишга қабул қилинадиган кўчалардаги ҳар бир объект бўйича олиб борилган қурилишни ўзига тегишли ҳудуд ҳисобидан қурилганлигини текшириб, талаб даражасидалиги ҳамда фойдаланишга қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида хулоса беради. | Жорий йил 1 августгача |
| | **Ҳудудий “Тасвирий ойна” уюшмасидан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ҳар бир ишчи гуруҳига бириктирилган вакил доимий таркибда ишлайди, танлаб олинган кўчаларни тарихи номини келиб чиқишини ўрганган ҳолда кўчани номини ёзилиши бўйича таклифларни гуруҳ раҳбарига тақдим этиб, келишишни ташкиллаштиради. | Доимий |
| 2 | Ҳар бир кўчага кириш чиқиш жойларида кўча номи ва биноларнинг тартиб рақамлари бир хил шаклда ёзилиши ҳамда кўчаларда мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган байрамона шиорлар ўрнатилишини ташкиллаштиради. | Жорий йилнинг 25 июлига қадар |
| 3 | Ободонлаштириш ишлари тугаллангандан сўнг ҳар бир бинонинг номини ёзилиши ва бир хил шаклда ўрнатилишини назорат қилиб ташкиллаштиради | Жорий йил 1 августгача |
| | **Ҳудудий “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатидан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ҳар бир ишчи гуруҳига бириктирилган вакил доимий таркибда ишлайди, танлаб олинган кўчалардаги ободонлаштириш ишларига ёшларни кенг жалб этиш ва улар билан бирга ишлашни таъминлайди. | Доимий |
| 2 | Кўчалардага кириш жойларида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг байрамона шиорлари ўрнатилишини ташкиллаштиради. | Доимий |
| | **Ҳудудий “Маҳалла” хайрия жамоат фондидан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ҳар бир ишчи гуруҳига бириктирилган вакил доимий таркибда ишлайди, танлаб олинган кўчалардаги ободонлаштириш ишлари ҳамда маҳаллада амалга оширилаётган ишлар бўйича кенг жамоатчиликни маҳалла фаолларини жалб этган ҳолда биргаликда ишларни ташкил этади. | Доимий |
| 2 | Танлаб олинган кўчалардаги турар жой бинолари эгаларига таъмирлаш ишларига маҳалладан кенг жамоатчилик билан биргаликда кўмаклашадилар ҳамда ишларини жадаллаштиришни биргаликда ишлашни таъминлайди. | Доимий |
| | **Ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш инспекциясидан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ҳар бир ишчи гуруҳига бириктирилган вакил доимий таркибда ишлайди, танлаб олинган кўчалардаги экологик ҳолатини яхшилаш, кесиладиган буталанадиган ва қуриган дарахтларни кесиб олиш каби | Доимий |

**Вилоят ҳокимининг**
**2016 йил “07” майдаги**
**147к -сон қарорига**
**2-илова**

**Урганч шаҳар ва туманларида 25 тадан кўчаларни шаҳарсозлик норма ва қоидалари талаблари асосида лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда таъмирлаш ишларини ташкил этиш бўйича вилоятдан ҳудудларга бириктирилган вакиллар**
**РЎЙХАТИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Урганч шаҳри | Р.Рўзметов – вилоят ҳокими ўринбосари |
| 2. | Боғот тумани | Б.Курбанов - вилоят ДАҚН инспекцияси бошлиғи |
| 3. | Гурлан тумани | Ж.Бекчанов – “Ўздавнефтгазинспекция” Хоразм ҳудудий бошқармаси бош технологи |
| 4. | Кўшкўпир тумани | Б.Матякубов – вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси директори |
| 5. | Урганч тумани | М.Норметов - вилоят ДСЭНМ бош врачи |
| 6. | Хазорасп тумани (Питнак шаҳри) | Ш.Атажанов - вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи |
| 7. | Хива тумани | Қ.Раджапов – “Қишлоққурилишинвест” МЧЖ Хоразм филиали директори |
| 8. | Хонқа тумани | А.Худайберганов – вилоят стандартлаштириш ва сертификатлаштириш маркази раҳбари |
| 9. | Шовот тумани | М.Мадиримов - вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошлиғи |
| 10. | Янгиарик тумани | Б.Бекчанов – “Шимолгазтаъминот” УК вилоят бошқармаси бошлиғи |
| 11. | Янгибозор тумани | Б.Рахматуллаев – “Саноатгеоконтехназорат” вилоят бўлими бошлиғи |

| № т/р | Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари | Бажариш муддати |
|---|---|---|
| 4 | Фойдаланишга қабул қилинадиган кўчаларда тасдиқланган лойиҳа асосида қурилиш ишлари олиб борилганлигини ўрганиб чиқади ва фойдаланишга қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида хулоса беради. | Жорий йил 1 августгача |
| | **Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясидан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ҳар бир ишчи гуруҳига бириктирилган вакил доимий таркибда ишлайди, олиб борилаётган қурилиш, таъмирлаш ишлари сифатини назорат қилади. | Доимий |
| 2 | Сифатсиз олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишларини тартибга солади, лойиҳадан ташқари қурилишларни бартараф қилиш чораларини кўради. | Доимий |
| 3 | Фойдаланишга қабул қилиш жараёнида иштирок этади ва ҳар бир объект бўйича олиб борилган қурилиш ишларининг сифатини ўрганиб, қурилиш ишлари талаб даражасидалиги ҳамда фойдаланишга қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида хулоса беради. | Жорий йил 1 августгача |
| | **Ички ишлар бўлимларидан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ҳар бир ишчи гуруҳига бириктирилган вакил доимий таркибда ишлайди, танлаб олинган кўчаларда олиб борилаётган қурилиш ишларида ёнғин хавфсизлиги ишларини назорат қилади. | Доимий |
| 2 | Олиб борилаётган қурилишларда ёнғин хавфсизлиги чоралари бўйича назорат олиб боради, ёнғин хавфсизлиги чораларини амалга ошириш ишларини талаб даражасида амалга ошириш чораларини кўради. | Доимий |
| 3 | Фойдаланишга қабул қилинадиган кўчалардаги ҳар бир объект бўйича олиб борилган ёнғин хавфсизлиги чораларини ўрганиб чиқади, ёнғин хавфсизлиги чоралари талаб даражасидалиги ҳамда фойдаланишга қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида хулоса беради. | Жорий йил 1 августгача |
| | **Ҳудудий давлат солиқ инспекциясидан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ҳар бир ишчи гуруҳига бириктирилган вакил доимий таркибда ишлайди, танлаб олинган кўчаларда олиб борилаётган қурилишларда тадбиркорлар томонидан қурилаётган объектларни жадаллаштириш учун зарур бўлган чораларни амалга оширилишини назорат қилади. | Доимий |
| | **Ҳудудий ер ресурслари ва давлат кадастр хизматидан бириктирилган вакиллар** | |
| 1 | Ҳар бир ишчи гуруҳига бириктирилган вакил доимий таркибда ишлайди, танлаб олинган кўчалардаги ҳар бир бино бўйича хатлов олиб боради ва хатлов натижаларини гуруҳ раҳбарига тақдим этади. | 5 кун |
| 2 | Хатлов натижалари бўйича янгидан қурилаётган ҳар бир объектни ўз ҳудудида қурилиши бўйича зарур бўлган чораларни белгилайди ва назорат қилади. | Доимий |

**Вилоят ҳокимининг**
**2016 йил "…" майдаги**
**…-сон қарорига**
**2а-илова**

**Урганч шаҳар ва туманларида 25 тадан кўчаларни шаҳарсозлик норма ва қоидалари талаблари асосида лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда таъмирлаш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) ишчи гуруҳларининг**

## НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

- туман (шаҳар) ҳокими, ишчи гуруҳ раҳбари
- туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари
- туман (шаҳар) архитектори
- туман (шаҳар) ДАКН инспектори
- туман (шаҳар) ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи
- "Туямуйин-Урганч" МСҚФБ туман (шаҳар) филиали бошлиғи
- туман (шаҳар) электр тармоқлари корхонаси раҳбари
- туман (шаҳар) ҳудудий газ таъминот корхонаси раҳбари
- туман (шаҳар) иссиқлик таъминоти корхонаси бошлиғи
- туман (шаҳар) хусусий уй-жойлар мулкдорлари ширкатлари раислари
- туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри раҳбари
- туман (шаҳар) прокурори (келишилган ҳолда)
- туман (шаҳар) ИИБ бошлиғи (келишилган ҳолда)
- туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи
- туман (шаҳар) ДСЭНМ бош врачи
- туман (шаҳар) "Тасвирий ойна" ташкилоти раҳбари
- туман (шаҳар) "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбари
- туман (шаҳар) "Маҳалла" хайрия жамоат фонди раислари туман (шаҳар) раиси
- туман (шаҳар) "Хоразмтелеком" АЖ корхонаси раҳбари

**Вилоят ҳокимининг**
**2016 йил “07“ майдаги**
**147к -сон қарорига**
**3-илова**

**Урганч шаҳар ва туманларида 25 тадан кўчаларни шаҳарсозлик норма ва қоидалари талаблари асосида лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда таъмирлаш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) ишчи гуруҳларининг**

**ВАЗИФАЛАРИ**

| № т/р | Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари | Бажариш муддати |
|---|---|---|
| | **Шаҳар, туман ишчи гуруҳ раҳбари (шаҳар ва туман ҳокимлари)** | |
| 1 | Шаҳар (туман) ишчи гуруҳи таркибини ва чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди. | 3 кун |
| 2 | Ҳар бир туман ва шаҳар кесимида ишчи гуруҳга лойиҳа ташкилотлари ҳамда Урганч давлат университетининг архитектура мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларни ҳудудларга бириктирилишини ҳамда шаҳар, туман ишчи гуруҳ ишини назорат қилади, зарур ҳолларда муаммоли масалаларни ҳал қилинишида амалий ёрдам беради. | Доимий |
| 3 | Ҳар бир туман ва шаҳарларда танланган 25 тадан кўчани тасдиқланган ишчи гуруҳ томонидан ишларни ташкиллаштириш ҳолати, ҳар бир ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг белгиланган вазифаларни ўз вақтида сифатли бажаришини назорат қилади ҳамда зарур ҳолларда тегишли чоралар белгилайди. | Доимий |
| 4 | Ҳар бир ҳудудда бузилишга тушган бино ва иншоатлар бўйича ишчи гуруҳ томонидан олиб борилаётган ишларни ўрганиб чиқади ва зарур ҳолларда ҳомий бириктирилишини ҳамда маблағ билан таъминлаш чораларини кўради. | Доимий |
| 5 | Танлаб олинган кўчаларда тасдиқланган лойиҳалар асосида қурилиш ишларини боришини назорат қилади ва зарур ҳолларда лойиҳаларга ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар беради, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари якунланган кўчаларни фойдаланишга қабул қилинишида шахсан иштирок этади. | Жорий йилнинг 1 августига қадар |

2.

| № т/р | Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари | Бажариш муддати |
|---|---|---|
| | **Шаҳар, туман ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари** *(шаҳар, туман ҳокимининг қурилиш ва ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари)* | |
| 1 | Ишчи гуруҳининг иш режаси асосида лойиҳалаштириш, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини ҳар бир шаҳар ва туманларда ташкил қилинишини ҳамда белгиланган жадвал асосида ишларни олиб борилишини таъминлайди. | Доимий |
| 2 | Танланган кўчаларда коммуникация тармоқлари, йўл қурилиш ва ободонлаштириш, гулхоналар ташкил қилиш билан боғлиқ масалалари жойларда тўғри ташкиллаштирилиши, шунингдек ишчи гуруҳ томонидан олиб борилаётган ишлар натижадорлигини ошириш чораларини кўради. | Доимий |
| 3 | Бузилишга тушган объектлар ва қурилмаларни қисқа муддатларда бузиб олиниши ҳамда тасдиқланган лойиҳа асоида қурилиш, таъмирлаш ишларини олиб борилишини назорат қилади, зарур ҳолларда қўшимча ишчи кучи, ҳомий белгилаш ёки маблағ ажратиш чораларини кўради. | Доимий |
| 4 | Ҳар бир шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган ишлар таҳлилини олиб боради ҳамда белгиланган вазифаларни бажарилиши кечиктирилаётган кўчалар бўйича ишларни жадаллаштириш чораларини кўради. | Доимий |
| 5 | Ҳар бир фойдаланишга топширилаётган кўчаларда коммуникация тармоқлари, йўл ва барча ишларнинг сифатли бажарилганлигини ўрганиб чиқади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради. | Доимий |
| | **Ишчи гуруҳ аъзолари** **Шаҳар, туман архитектура ва қурилиш бўлимлари бошлиқлари** | |
| 1 | Ҳар бир шаҳар ва туманларга лойиҳачиларни белгилайди, танланган кўчалар бўйича амалга ошириш мумкин бўлган, сифатли лойиҳалар тайёрланиши ва ушбу масалалар юзасидан бўлимдан ҳамда лойиҳа ташкилотларидан масъулларни белгилайди, уларни ишини ташкил қилади. | 3 кун |
| 2 | Ҳудудларда қизил чизиқда қурилган ҳамда замонавий архитектура талабларига жавоб бермаганлиги сабабли, бузилишга тушган бино ва қурилмаларни ўрнидан қурилиши режалаштирилган бинолар лойиҳасини ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратади. | 10 кун |
| 3 | Кўчаларни лойиҳасини ишлаб чиқишда турар ва нотураржой биноларнинг ранги бир бирига мос қилиб танланишига ҳамда ишлатиладиган қурилиш материалларининг сифатига алоҳида эътибор қаратиш. | Доимий |